2010 йил 21 июль, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ  № 140 (11.701)  Баҳоси эркин нархда

# ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

*Қадрли дўстлар!*

*Аввалambor, сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини 7 миллион тоннага яқин юксак ғалла хирмони бунёд этиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида ҳеч шубҳасиз навбатдаги янги саҳифа очишга эришганингиз — мана шундай улкан ғалабангиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.*

*Азалдан нондек азиз ва табаррук неъматнинг қадрига етадиган, уни кўзига тўтиё қилиб яшайдиган халқимиз бу беқиёс ютуқ қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилганини чуқур англайди ва ризқ-рўзимиз бўлмиш бундай бебаҳо бойликни бизга насиб этгани, эл-юртимизнинг йўлини очиб бергани, ўзи мададкор бўлгани учун Яратганимизга шукроналар билдириб, заҳматкаш, фидойи деҳқонларимизга тасаннолар айтади.*

*Бир вақтлар ўлкамиз ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида кимгадир муҳтож бўлиб, кимгадир ялиниб, катта маблағлар тўлаш ҳисобидан донни четдан олиб келганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги кунда Ватанимиз ғалла мустақиллигига эришиб, ҳар томонлама тўқчиликни қўлга киритганимиз, керак бўлса, ғаллани экспорт қилиш имкониятига эга бўлганимиз, шу кунларга етганимиз учун барчамиз чин қалбдан миннатдор бўлишимиз табиий, албатта.*

*Азизларим, барчангиз яхши биласиз, бундай марраларга етиш осон бўлгани йўқ.*

*Бунинг негизида аввало узоқни кўзлаб, изчиллик билан амалга оширилаётган давлат сиёсати, чуқур ўйланган ислоҳотлар, шу йўлда энг муҳим ўрин ва аҳамият касб этган фермерлик ҳаракатига ўтганимиз, унга кенг йўл ва имтиёзлар очиб берганимиз, ҳозирги вақтда юртимизда фермерлик ҳақиқатан ҳам тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, айни пайтда соҳага илмий асосланган, Ўзбекистоннинг иқлими ва шароитига мослаштирилган замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш масалалари мужассам бўлганини такрор-такрор айтиш ўринли деб биламан.*

*Шу борада ерни ҳақиқий эгасига топширганимиз, мулкдорлик ва ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти далада ишлайдиган ҳар бир одамнинг қалбидан чуқур жой олгани, шу асnoда меҳнатчиларимизнинг дунёқараши ўзгариб, онгу тафаккури юксалиб, келажакка ишонч туйғуси янада мустаҳкам бўлиб бораётганининг ўзи бугун қишлоқларимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг яққол намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.*

*Кейинги йилларда минтақамизда об-ҳаво ва иқлимнинг ўзгариб бораётгани, хусусан, ўтган йили кузнинг ноқулай келгани, баҳорда дўл, сел ва ёғингарчилик меъёридан кўп бўлгани, қолаверса, турли зараркунандалар ва касалликлар бошоқли экинлар ривожига салбий таъсир кўрсатди. Ҳатто ғалла ўримга келган пайтда кучли шамол ва жала туфайли айрим далаларда бўлиқ майсаларнинг ётиб қолиши қўшимча ташвиш туғдирди. Мухтасар айтганда, мана шундай мураккаб ҳолатлар ғаллакорларимизнинг иродасини яна бир марта жиддий имтиҳондан ўтказди.*

*Шуни ғурур ва ифтихор билан таъкидлаш лозимки, ҳаёт синовларида тобланган, азму шижоатли деҳқонларимиз бу имтиҳондан ёруғ юз билан ўтиб, барча қийинчиликларни енгиб, мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Мамлакат бўйича ўтган йилга нисбатан 286 минг тонна кўп дон етиштирилгани, суғориладиган ерлардан ҳосилдорлик гектарига ўртача 51 центнерни ташкил этгани, лалми ерлардан ҳам баракали ҳосил олингани бунинг амалий тасдиғидир.*

*Айниқса, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳосилдорлик даражаси ўртача 53-58 центнерни ташкил этгани, Пахтаобод, Балиқчи, Иштихон, Яккабоғ, Касби, Учқўрғон, Ғиждувон, Пешку, Қуйи Чирчиқ, Дўстлик туманларида бу кўрсаткич 55-67 центнердан юқори бўлгани фидойи ўзбек деҳқонининг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор намоён этди.*

*Энг муҳими, шартнома мажбуриятларига амал қилган ҳолда, етиштирилган ҳосилнинг 4 миллион 90 минг тоннаси, яъни қарийб 60 фоизи фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилгани деҳқонларимизнинг омбори ғаллага, рўзғори қут-баракага тўлиб, уларнинг ўз меҳнатидан катта манфаат топаётганининг ёрқин ифодасидир.*

*Буларнинг барчаси, ўз навбатида мамлакатимиз тараққиёти, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи учун, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялашдек олижаноб ишларимизни янада кенг кўламда давом эттириш, юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида белгилаб олган дастур ва режаларимизни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши муқаррар.*

*Албатта, ҳали далаларимизда қиладиган ишларимиз кўп. Энг аввало, етиштирилган ғалла ҳосилини тўла йиғиб-териб олиш, ерни шудгорлаш ишларини сифатли бажариб, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратишимиз керак.*

*Ишончим комилки, юртимиз деҳқонлари қишлоқ хўжалиги ишларини самарали давом эттириб, пахта, сабзавот, полиз ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштиришга ва бу йилги мавсумни барча соҳалар бўйича ёруғ юз билан якунлашга эришадилар.*

*Мана шундай хурсандчилик кунда сиз миришкор фермерларимизга, ўрим-йиғимда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган механизаторларга, мутахассис ва мутасаддиларга, бугунги улкан ютуққа муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларга яна бир бор чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этаман. Лафзи ҳалол, мард ва танти бободеҳқонларимизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.*

*Хонадонларимиздан, эл-юртимиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин!*

*Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!*

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти***

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Р.ИРМАТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматовга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 20 июль*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Р.ИЛЬЯСОВНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз футболи шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришдаги хизматлари, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Рафаэль Эдуардович Ильясов «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 20 июль*




## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Юртимизда ҳар бир байрамнинг ўз таровати бор. Энг азиз, энг улуғ неъмат — Мустақиллик шодиёнасининг шукуҳи, файзи ўзгача.**



## МИРОБОД ТУМАНИ: ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



Пойтахтимизда ўз ўрнига эга бўлган Миробод тумани аҳли ҳам ана шу қутлуғ айёмга пухта ҳозирлик кўриб, байрамни ҳар бир жабҳада муваффақиятлар, ёруғ юз билан кутиб олиш тараддудида. Ободлик ярашган Миробод ҳар қачонгидан кўркам ва тароватли. Мироболиклар қалбида яқинлашаётган улуғ байрам нашидаси, ғурури ҳукмрон.

Турли миллат вакиллари аҳилликда истиқомат қилаётган мазкур туманнинг умумий майдони 17,13 квадрат километрни ташкил этади. Ватан ичра ватан саналмиш 39 та маҳаллада 123,1 минг киши истиқомат қилади.

Туманда 15 та замонавий гузар, 732 та кўп қаватли уйлар, 10314 та хусусий хонадонлар бор. Бугунги кунда туман ҳудудидаги 18 та марказий, 83 та кичик кўчалар кўркамлигига алоҳида эътибор қаратилган. Фаолият кўрсатаётган 14 та йирик саноат корхона, 475 та қўшма корхона, 2560 та микрофирма туман иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 3 та шифохона, 4 та поликлиника, 2 та туғруқ мажмуаси, 1 та болалар тиш шифохонасида 2200 нафардан зиёд малакали шифокор ва ҳамширалар меҳнат қилмоқда.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар сирларини ўргатиш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб қўйган 7 та олий ўқув юрти, 17 та мактаб, 4 та академик лицей, 7 та касб-ҳунар коллежи, 29 та мактабгача таълим муассасалари фаолияти ибратлидир.

Туманда 2 та театр, 1 та маданият ва истироҳат боғи, 2 та маданият уйи, 3 та мусиқа ва санъат мактаби, маданият саройи, стадион, 5 та сузиш ҳавзаси, 51 та спорт зали, 18 та банк муассасаси мавжуд бўлиб, ёшу қари маънавиятини оширишда, маданиятини юксалтиришда, яхши дам олишини таъминлашда, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига имкон яратишда, намунали хизматларни ташкил этишда, аҳоли дастурхони тўкинлигида уларнинг ўрни беқиёс.

Жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида туманда иқтисодий кўрсаткичларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсишига ва башорат параметрларининг бажарилишига эришилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 227,8 миллиард сўм бўлиб, ўсиш суръати 119,5 фоизни ташкил этди, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 3,9 фоизга, пудрат ишлари — 5,1 фоизга, хизмат кўрсатиш — 9,6 фоизга ортди. Ҳисобот даврида экспорт ҳажми 543,2 миллион АҚШ долларига етди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 131,1 фоизга тенгдир.

Истиқлол неъматларидан баҳраманд ва йилдан йилга Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида алоҳида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган мироболиклар «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш йўлида ҳам тадбиркорлик ва ташаббускорлик кўрсатмоқда.

(Миробод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Сурхондарёда «2010 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» доирасида 33576 та иш ўрни ташкил этилди. Бунда, айниқса, касаначилик асосида аҳоли бандлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, вилоятдаги 314 та корхонада касаначилик асосида 1,9 мингга яқин янги иш ўринлари яратилиб, ишга қабул қилинганлар билан тегишли меҳнат шартномалари расмийлаштирилди.**
- **Наманган шаҳрида Истиқлол байрами арафасида ёшлар ҳамда Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғларининг реконструкцияси якунига етмоқда. Учинчи — болалар боғининг қурилиши ҳам бошланди.**
- **Фориш туман йўл хўжалиги таъмирлаш ва фойдаланиш пудрат давлат корхонаси Мустақиллик байрами арафасида «Жиззах — Янги қишлоқ — Қизилча — Қизилқум» ҳалқа йўлининг 70-80 километр оралиғидаги масофани сифатли таъмирлашга эришди. Шунингдек, 18 километрлик «Янгиқишлоқ — Қизилқум» йўли қисқа фурсатда жорий таъмирланди.**
- **Жомбой туманидаги «Бешбола» маҳалласида «Самарқанд-Телеком» корхонаси томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига асосан, республикамизда ишлаб чиқарилган «Коинот Эл-СГМ» русумли электрон рақамли станция ўрнатилди. Умумий қиймати 13,2 миллион сўм бўлган ушбу ускуна қишлоқ аҳлини замонавий телекоммуникация хизматлари билан таъминлаш, Интернет тизимидан фойдаланишда катта қулайлик яратади.**
- **Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги «Чайка» кичик корхонаси маҳаллий аҳоли ўртасида катта талабга эга гипс, алебастр, мел ва оҳак ишлаб чиқаришни бошлади. Хом ашёнинг туман ҳудудидан олинаётганлиги туфайли ишчиларнинг хизмати енгиллашиб, харажатлар камаймоқда.**
- **Андижон вилояти Асака туманидаги «Чўнтак» чойхонасида палов сайли бўлиб ўтди.**
- **Навоий вилояти ахборот-ресурс марказлари ва мактаб кутубхоналарининг фаол китобхонлари ўртасида «Энг яхши китобхон оила» кўрик-танлови ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

- **Кеча Кобулда якунланган донор мамлакатларнинг Афғонистон бўйича халқаро конференцияси қатнашчилари Афғонистоннинг 2014 йилгача ўз хавфсизлигини таъминлаш даражасига етиши тўғрисидаги режасини маъқулладилар.**
- **Кеча Франция авиадиспетчерлари мамлакатнинг барча аэропортларида умумий иш ташлаш акциясини амалга оширдилар. Улар Европа Иттифоқи мамлакатларида авиапарвозлар устидан умумий назорат тизимини ўрнатиш режасига қарши чиқмоқдалар. Зеро, ушбу лойиҳа ҳаётга татбиқ этилса, иш ўринлари кескин камаяди. Иш ташлаш эртага эрталабга қадар давом этади.**
- **Кеча Кабардин-Болқориядаги ГЭСнинг турбина қисмида рўй берган портлаш натижасида икки киши ҳалок бўлди, шунча одам яраланди. Портлаш сабаблари ҳозирча номаълум.**
- **Халқаро валюта жамғармаси ўзининг кредит ресурслари миқдорини 1 триллион АҚШ долларигача оширмоқчи. Бу ҳақдаги қарор жорий йилнинг ноябрь ойида Сеул шаҳрида ўтказиладиган «катта йигирматалик» йиғилишида қабул қилиниши мумкин.**
- **Лондонда икки кундан буён халқаро авиасалон ўз ишини давом эттирмоқда. Унда илк бор «Bloodhound SSC» реактив автомобили кўргазмага қўйилди. Ушбу транспорт воситаси соатига 10610 километр (товуш тезлигидан 1,4 марта юқори) тезликда ҳаракатланиш имкониятига эга. Янги машина 2011 йил охири ёки 2012 йил бошида синовдан ўтказилади.**
- **Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра Хитой АҚШдан ўтиб кетган ҳолда энергия истеъмоли даражаси бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Айтиш керакки, кейинги ўн йил давомида Хитойда энергия истеъмоли икки барobardан ортиқ кўпайди.**







# МИРОБОД ТУМАНИ: ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ







## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- Туманда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 13 та корхона негизида 16 та лойиҳа амалга оширилмоқда..
- Туманда 2010 йилнинг олти ойи давомида 4283 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга туширилиши 136 та қўшимча иш ўрни яратиш имконини берди.
- Ўтган ярим йил якуни бўйича «Ўзэлектроаппарат-Электрощит» қўшма корхонасида иккита, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида 40 та, «Фотон» ОАЖда 12 та, Ўз ҚОЖнинг «Четка» корхонасида 6 та касаначилик ўрни ташкил этилди.
- «Элит-полимер» қўшма корхонасига Тайвандан янги технологик линия келтирилиб, замонавий фитинг маҳсулоти тайёрлаш йўлга қўйилади. Шунингдек, Россия, Қозоғистон, Туркия, Афғонистон давлатларида корхонанинг савдо уйлари иш бошлайди.
- Иқтидорли ёшларнинг таълим олиш фаоллигини оширишга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш мақсадида ўтказилган «Ёш академик» кўрик-танловининг шаҳар босқичида 154-мактаб ўқувчиси биринчи даражали дипломни қўлга киритди.
- Тошкент Фармацевтика институти Талабалар илмий жамиятининг навбатдаги 67-анжумани Баркамол авлод йилига бағишланди. Энг яхши деб топилган маърузачилар «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши томонидан дипломлар билан тақдирланди.
- «Қудратли юртнинг бунёдкор ёшлари» шиори остида ёш муаллифлар ўртасида эълон қилинган танлов якунига кўра 12 нафар ўқувчи турли номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритди.
- Шошилинч акушерлик ёрдами кўрсатиш бўйича ўтган олти ой давомида тўққиз нафар акушер-гинеколог малакасини оширишга муваффақ бўлди.
- Кураш бўйича жаҳон чемпиони Шоҳрух Қўчқоров, сузиш бўйича республика чемпиони Умидилла Ҳамидуллаев, дзюдо бўйича мамлакат чемпиони Абдураҳим Мирдадаев «Ўзбекистон» маҳалласининг фахри саналади.

### Ҳамкорлик қирралари

## НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА

**Бугунги кунда ички бозорни 60-65 фоиз электротехника маҳсулотлари билан таъминлаётган ва шунинг баробарида экспорт ҳажмини йилдан йилга ошириб бораётган «Ўззлектроаппарат-Электрощит» қўшма корхонасининг нуфузи тобора ортиб бормоқда.**

Бунинг асосий боиси россиялик ҳамкорлар томонидан киритилаётган инвестициялардан самарали фойдаланган ҳолда мавжуд цехларнинг юксак унумли технологик линиялар билан жиҳозланаётгани, импорт ўрнини босувчи электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида янги қувватларнинг ишга туширилаётгани, кадрлар малакасининг ошириб борилаётгани, замонавий технологиялар асосида янги-янги лойиҳаларнинг жорий этилаётганидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатли бўлишига алоҳида аҳамият берилади. Барчаси сифат сертификати талабларига жавоб беради, Россия ва Ўзбекистоннинг етакчи стандартлаштириш марказларида синовдан ўтган. Корхонада ISO 9001-2008 халқаро стандарти асосида сифат менежменти тизими жорий этилган.

Албатта, рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, корхонанинг эришаётган ютуқлари яққол кўзга ташланади. Ҳозирда 60 турдан зиёд электротехника жиҳозлари тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўтган ярмида таққослама даврга нисбатан икки баробар зиёд — 41,4 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Экспорт ҳажми 1,5 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, ўсиш суръати 191,4 фоизга етди. Ярим йилликда ўн турдан зиёд янги маҳсулотлар тайёрланиши йўлга қўйилди. Бугунги кунда корхона маҳсулотлари буюртма асосида Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Афғонистонга экспорт қилинмоқда. Яқин орада Мўғулистонга ҳам чиқариш кўзда тутилган.

Корхонада айни пайтда 860 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Ўтган ярим йилликда 20 га яқин янги иш ўрни яратилди. 13 нафар ишчи ўз меҳнат фаолиятини касаначилик асосида олиб бормоқда. Келгусида уларнинг сафини янада кенгайтириш режалаштирилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхонада янги лойиҳалар устида ишлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги бозорбоп маҳсулотлар турлари кўпайишида, уларнинг харидорлари сафи ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Замонавий компьютер техникаси билан таъминланган тўртта конструкторлик бўлимида малакали мутахассислар гуруҳи жамланган. Бу эса изланишлар самарасини таъминламоқда.

Энг муҳими ишчи-хизматчининг баракали меҳнат қилиши, яхши дам олиб, саломатлигини тиклаши, спорт билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароитлардир. Ёпиқ спорт мажмуаси уларнинг хизматида. Айни пайтда ёзги-қишки сузиш ҳавзаси қурилиши жадал олиб борилмоқда, қўшимча спорт майдончасини бунёд этиш режаси ҳам амалга оширилади. Мустақиллик байрами арафасида корхона ҳудудини обод этиш, кўркамлаштириш ишлари кўнгилдагидек адо этилмоқда.

Деярли ҳар бир соҳа ривожига ўзининг жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлари билан муносиб ҳисса қўшаётган электротехника ускуна ва жиҳозлари яратувчилари 2010 йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 64 миллиард сўмликдан зиёдга етказишни мақсад қилган. Энг асосийси мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида катта ҳиссага эга бўлиб, корхона нуфузини янада ошириш, экспорт салоҳиятини таъминлашдир.

### Танловлар

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲИСОБЧИСИ ВА АУДИТОРИ

**Мамлакатимизда давлат солиқ хизмати томонидан нафақат солиқ ва йиғимларни ундириш, балки соҳадаги янгиликларни аҳолига етказиш, фуқароларнинг солиқ маданиятини юксалтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нафақат солиқ тўловчилар, балки шу соҳа вакиллари, хусусан, ҳисобчилар ва аудиторларнинг касб малакасини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси, Аудиторлар палатаси ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танловда йилнинг энг яхши ҳисобчиси ва аудитори аниқланди.

Танловнинг биринчи босқичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан икки юздан ортиқ ҳисобчи ва аудитор иштирок этди. Унда иштирокчилар бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш бўйича тест саволларига жавоб берди. Саралаш босқичи натижаларига кўра, ҳар бир йўналиш бўйича ўн нафардан финал иштирокчиси аниқланди.

Танловнинг якуний босқичида пойтахтимиздаги "Донаев менежмент консалтинг" фирмаси бош ҳисобчиси Ирина Шахнабатова "Энг яхши ҳисобчи", "Фейнекс" аудиторлик ташкилоти аудитори Борис Фрояченко "Энг яхши аудитор" деб топилди.

Шунингдек, тадбир давомида Баркамол авлод йили муносабати билан талабалар ўртасида ўтказилган "Солиқ мавзуидаги энг яхши мақола" танлови натижалари эълон қилинди. Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси Сардор Ашуров ва Солиқ академияси талабаси Андрей Поляков ғолибликни қўлга киритди.

**(ЎзА)**

## ТРАНСПОРТ ХАВФСИЗЛИГИ — АҲОЛИ ХОТИРЖАМЛИГИ

**Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ Ёнғиннинг олдини олиш бошқармаси томонидан пойтахтдаги жамоат транспортлари ва аҳолига хизмат қилишга мўлжалланган енгил автомашиналарнинг техник носозлигини бартараф этиш борасида «Газ-баллон» тадбирлари ўтказилмоқда.**

Мутахассислар фикри билан айтганда, асосий мақсад аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларни манзилларига саломат етказиш, намунали транспорт хизматини кўрсатишдан иборат.

Автомобилларга газ ускунасини ўрнатиш оммалашган вақтда уларнинг техник созлигини таъминлаш бўйича жойларда ўтказилаётган бундай тадбирларда асосан бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан жиҳозланмаган, ўзбошимчалик билан конструкцияларга ўзгартириш киритилган, синовдан ўтказилмаган, фойдаланиш муддати ўтиб кетган газ баллонларидан фойдаланган, ёқилғи мой тизими ёки электр тизими носоз, тегишли ҳужжатлари бўлмаган автомобиллар ҳамда уларнинг ҳайдовчиларига нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

– Тадбир давомида ДАН ходимлари билан биргаликда йўл транспорти ва жамоат транспорти носозлигини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича бир қанча тадбирлар ўтказиб келмоқдамиз, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига шаҳар ЁХБ катта муҳандиси Лазизхўжа Эргашев. – Шунингдек, аҳоли турар жойларида ҳам ноқонуний ўрнатилган газ баллонлари аниқланиб, эгаларига нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда.

**Наргиза АСАДОВА**

### Саломатлик

## ХОНАДОНЛАРНИ ҚУВОНЧГА ТЎЛДИРИБ

**Халқимиз болажон. Ҳар бир хонадонда янграган чақалоқ йиғиси барчамизни бирдай қувонтиради. Унинг умрини, соғлиғини тилаймиз.**

Бу борада, албатта, она-бола саломатлиги йўлида билим ва тажрибаларини ишга солиб, кечаю кундуз меҳнат қилаётган шифокорларимизнинг ҳиссалари беқиёс.

5-шаҳар туғруқ мажмуасида жорий йилнинг ўтган ярмида 1,5 мингдан зиёд чақалоқ туғилиб, хонадонларга қувонч, оилаларга бахт, ёш келин-куёвларга ота-оналик нашидаси ҳадя этилди. Ушбу масканга умид билан келган оилаларнинг орзулари ушалди, бахти бутун бўлди десак, асло муболаға бўлмайди.

— Олдимизга қўйган асосий мақсадимиз соғлом фарзандларни дунёга келтириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир, — дейди туғруқ мажмуаси бош шифокори Павел Евстигнеев. — Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётгани боис мақсадимиз йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз самара бермоқда. 118 ўринли мажмуада тўртта асосий бўлим фаолият кўрсатиб, ҳар бири бугунги кун талаблари даражасидаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Шифокорларимиз замонавий технологиялар асосида малакасини ошириб боради. Буларнинг барчаси оналаримиз, туғилажак авлодларимиз саломатлигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Жамоада меҳнат қилаётган 35 нафар шифокорнинг 23 нафари ҳамда 104 нафар ҳамширанинг 52 нафари олий тоифага эга. Ҳар бир аёлга оналик бахтини ато этишда сидқидилдан хизмат кўрсатаётган Галина Коричкина, Нуриддин Нуриллаев, Лолита Абдуллаева, Фарида Афзалова, Ироита Кайданович, Наталья Пенских, Нина Скуба, Гулнора Одилова, Гулчеҳра Султонова сингари шифокорларни алоҳида таъкидлаш лозимки, уларнинг соғлом чақалоқлар туғилиши борасидаги саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда.

Туғруқ мажмуасини нафақат замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозлашга, балки бу ерда фарзанд кўрган, ўғил-қиз кутаётган, даволанаётган аёлларга кўнгилдагидай хизмат кўрсатишга, шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилган, лабораториялар керакли аппаратларга эга бўлган шифо маскани сифатида тавсифласак адашмаймиз. Нафақат ички хоналар, бинонинг ташқи томони ҳам таъмирланган, ҳовлилар ободонлаштирилган, 3000 квадрат метрлик ҳудудга экилган манзарали чим баҳри дилингизни очади, мевали ва манзарали дарахтлар, келиб кетувчилар учун ўриндиқлар мавжуд. Ҳовлига ўрнатилган кичик айвончалар, ўртадаги шаршарали фаввора дилингизга ажиб завқ бағишлайди.

Ушбу масканда елиб-югуриб юрган саломатлик посбонларини, ҳаяжон билан фарзанд кутаётган инсонларни учратасиз ва соату дақиқа сайин чақалоқларнинг «инга-инга» деган қалбларни орзиқтирувчи йиғиси жаранглаб туради.

Истардикки, соғлом авлод туғилиши йўлида заҳмат чекаётган шифокорларнинг ҳам, хонадонига янги меҳмон кутаётган инсонларнинг ҳам қалби дунё юзини кўриб, онаси бағрида талпинаётган гўдак йиғисидек беғубор бўлсин.

### Маҳалла

## МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

**Тумандаги 39 та маҳалла орасида исми жисмига мос «Ўзбекистон» маҳалласида ибратли ишлар амалга оширилиб, Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини кўтаринки кайфиятда нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.**

Аввало маҳалланинг ўзига хос хусусиятлари хусусида тўхталиш жоиз бўлса, у асосан кўп қаватли уйлардан иборат. 1993 йилда ташкил топган мазкур масканда ёшу қари — турли миллат вакиллари яшаб, маҳалла ободлиги, уй-жойлар кўркамлиги, хонадонлар файзу баракаси, оилалар тинч-тотувлиги, ёшлар тарбияси, хотин-қизлар ҳимояси, болажонлар шодлиги, барча яшовчилар осойишталигига катта эътибор қаратилган.

— Меҳр ошёни, оқибат маскани саналмиш маҳалламиздаги 5 та кўп қаватли уйда 1350 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Талъат Шамсиев. — Аввало шуни таъкидлашим лозимки, мавжуд 662 та хонадоннинг барчаси бирдай эътиборда. Маҳалладаги ҳар бир қувонч, ҳар бир ташвишли ҳолат биргаликда баҳам кўрилиб, муаммолар ҳамкорликда ечим топади. Ҳар бир уйда алоҳида уй-жой мулкдорлари ширкати ташкил этилган бўлиб, бу албатта хонадон эгаларининг умумий мулкни асраб-авайлашда, бинолар ва ён-атрофлари кўркини оширишда, ертўла ва йўлакларни тартибга келтиришда, энг муҳими коммунал хизматлардан сифатли баҳраманд бўлишида катта аҳамият касб этган. Бугунги кунда барча уйларимизда байрам тараддуди қизғин паллада. Ҳеч ким бу хайрли ишдан четда турмаётганлиги маҳалламиз аҳиллигидан нишона.

Маҳаллада яшовчилар учун шароитлар етарли. Гўзаллик салони, новвойхона, кичик бозорча аҳоли хизматида. Болалар учун бунёд этилган футбол, волейбол, баскетбол майдончалари ҳамиша гавжум. Бу ерда турли мусобақалар ташкил этилиши кичкинтойларнинг спортга янада яқинроқ ошно бўлишига асос бўлмоқда.

Шодиёна ҳозирлиги хусусида тўхталиш жоиз бўлса, айни пайтда 33 та кириш йўлагининг 28 таси таъмирдан чиқарилди, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. Кузги-қишки тайёргарлик юмушлари ҳам режа асосида олиб борилмоқда. Яна бир нарсани алоҳида айтиш лозимки, маҳалла ҳудудида 164 хонадонга мўлжалланган учта замонавий турар жой биноси қад ростламоқда.

Бир сўз билан айтганда, Мустақилликнинг буюк неъматларидан баҳраманд бўлаётган маҳалладошлар бир ёқадан бош чиқариб, ўз яшаш жойларини яшнатиш, ибратини янада ошириш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда. Саъй-ҳаракатнинг самараси Истиқлол байрамида ёзиладиган файзли дастурхон атрофидаги меҳр-оқибатда яна бир бор намоён бўлади.

**Саҳифа материалларини Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади.**
**Козим Ўлмасов олган суратлар**

**Маҳаллаларимиз ҳақида кўплаб адиблару олимлар энг илиқ фикрларини билдирган. Юртимизга ташриф буюраётган хорижий меҳмонлар билан суҳбатлашиш чоғида эса албатта улар томонидан маҳаллаларимиз ҳақида биринчи фикр юритилиб, бундай ажойиб тузилма дунёнинг ҳеч бир бурчагида йўқ, деб эътироф этилади. Бундан фахрланиб кетасан киши.**

# МЕНИНГ ФАХРИМ

Бугун республикамизнинг шаҳару қишлоқларида, чекка-чеккаларда, тоғли ҳудудларда ҳам — қаерда инсонлар оила, жамоа бўлиб яшаётган экан, ҳаёт жўш ураётган манзилларда албатта маҳалла фуқаролар йиғинлари тузилиб, фаоллар томонидан кўлами кенг ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўламиз.

Мен ҳам ҳавас қилгудек шундай гўшалардан бири Сергели туманидаги «Дўстлик» маҳалласида истиқомат қиламан. Бу ерда аҳил-иноқ қўшнилар, дўстликка шайдо тенгдошларим орасида яшаётганимдан фақат тўлқинланиб сўзлайман.

— Маҳалламизда истиқомат қилаётган деярли 7,1 минг кишининг ҳаммаси мана шундай кайфиятда десам, муболаға бўлмайди, — дейди фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Атамуҳаммедов. — Кўп қаватли хонадонларни бирлаштириб турувчи бешта хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Аҳолининг кундалик юмушлари – коммунал масалаларини ҳал этиб бориш осон эмас. Аммо ўзаро маслаҳатли иш ҳар доим енгил кечади. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ энг долзарб ижтимоий масала – уй шароитида аёлларни иш билан банд этиш борасида кўп ижобий натижаларга эришдик. Шу йилнинг ўзида олти оила касаначиликка жалб қилинди.

Маҳалламиз ҳудудидаги Туризм ва бизнес коллежида кўпчилик ташаббуси билан спорт тўгаракларида очилиб, шу кунларда айниқса болалар билан гавжум бўлаётир. Бу ерда болажонлар бўш вақтини мазмунли ўтказиш ниятида футбол, волейбол, кураш, шахмат-шашка билан шуғулланади. Эътиборлиси, маҳалламизда ёшлар ўртасида «Дўстлик» футбол жамоаси ташкил этилган.

Ёзги таътил кунларида болажонларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида 285-мактаб қошида соғломлаштириш оромгоҳи ҳам очилган. Бу ерда шаҳардан ташқарида дам олиш имконияти бўлмаган ўғил-қизлар турли тўгаракларда шуғулланган ҳолда дам олмоқда. Бундай имкониятлардан айниқса кам таъминланган ва кўп болали оилалар фарзандлари тўлиқ фойдаланишаётир.

Вақти-вақти билан маҳалламизда турли мавзуларда давра суҳбатлари уюштириб турилади. Шундай тадбирлар қаторида яқинда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Соғлом она – соғлом бола», «Биз – соғлом турмуш тарафдоримиз» шиорлари остида спорт мусобақалари ва «Қувноқ ўйинлар» ўтказилди, шунингдек, нуроний отахону онахонларимиз фаоллигида тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, исрофгарчиликка йўл қўймасликка бағишлаб «Тўйларимиз — ўйларимиз» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Маҳалламиз бандликка кўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Йилига тўрт маротаба марказ мутахассислари томонидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 25 нафар маҳалла ёшлари иш билан таъминланди.

Сирасини айтганда, буларнинг бари аҳолининг, айниқса ёшларнинг фикрлаш қобилияти, дунёқараши кенгайишига хизмат қилмоқда десак, адашмаймиз.

Мен бундай тадбирлар маҳалламизда янада кўпроқ ташкил этилишини ва уларнинг ҳар бирида фаол қатнашишни хоҳлайман.

**Дилсўз ҲУСАНОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси**




*Азим шаҳрим, бўстоним менинг*

**Янги лойиҳалар**

# ЮЛДУЗЛАР ТАШРИФИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бўлими билан ҳамкорликда маҳаллаларда «Юлдузлар ташрифи» тадбирлари ўтказилмоқда.**

Мазкур лойиҳа доирасида ёш хонандалар, созандалар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари шаҳримиз маҳаллаларига ташриф буюриб, куй-қўшиқлари, дил сўзлари билан барчани мамнун этмоқда.

Куни кеча Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласида ҳам шундай учрашув бўлиб ўтди. Ёш санъаткорлар Ватан, Мустақиллик, дўстлик ва муҳаббат ҳақида куй-қўшиқ ижро этишди, маҳалла ёшлари билан биргаликда камолотчилар томонидан ташкил этилган турли викториналар, шахмат-шашка ўйинлари ва спорт мусобақаларида беллашишди.

Айтиб ўтиш жоизки, лойиҳа муаллифлари томонидан ушбу тадбир кўтаринки руҳда ўтишига ҳисса қўшган ҳамкорларга, мусобақаларда фаол қатнашган болажонларга ташаккурнома ҳамда совғалар тақдим этилди.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА**

**Таълим**

# ЯНГИЛИКЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

**Ёшларимизнинг маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб вояга етиши учун таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти беқиёс.**

Яхши маълумки, таълим муассасаларида ўқувчиларнинг билимини юксалтириш, касб-ҳунар сирларини пухта ўзлаштиришига барча шароитлар яратилиб, ўқув-тарбия жараёни замон билан ҳамнафас такомиллашиб бораётир. Бу борада ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари зое кетмаслиги учун Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳудудий бошқармалар билан ҳамкорликда ўзига хос янгиликлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Ҳамза туманидаги 69-мактабда мактаблар раҳбарлари, педагоглар иштирокида ўқувчилар билимини баҳолашдаги янги рейтинг тизимининг моҳиятига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Ўқувчилар билимини баҳолашда тест имтиҳонлари кенг жорий этилган. Тадбирда ёшларнинг қобилияти ва иқтидорини аниқлашда муҳим омил ҳисобланаётган рейтинг тизими тўғрисидаги янги низомнинг ҳар бир банди бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таъкидланганидек, ушбу низомга асосан ҳар бир ўқитувчидан катта билим, янгиликка интилиш, педагогик ташкилотчилик талаб этилади. Бу борада айниқса мактаб директори ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги яна бир карра эътироф этилди. Ҳар бир фан ўқитувчиси янги низомга кўра дарсни замонавий педагогик технологиялар, интерфаол усуллар билан ўтиши шарт. Ана шунда ёшлар билимли, доно, ақлли бўлиб вояга етади.

Анжуман иштирокчилари бу каби тадбирларни ҳар бир мактабда, имкон даражасида мактабгача таълим муассасаларида ҳам уюштиришга келишиб олишди.

# ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

**ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ўқув маркази битирувчиларининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбирда ёнғин хавфсизлиги хизмати шарафли ва масъулиятли эканлиги, ушбу касб соҳиби садоқатли, ҳалол ва виждонли бўлиши лозимлиги таъкидланди. Шу ҳам қайд этилдики, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими ҳар қандай вазиятда, ёнғин содир бўлган ҳудуддаги нафақат турар жой ёки иншоот, балки ўша ердаги инсонлар ҳаёти ҳам хавф остида бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, аниқ ҳаракат қилиши ва ёрдам кўрсатиши зарур.

Битирувчи ёшлар қасамёд қабул қилар экан, бундай шарафли касбда фаолият бошлаш арафасиданоқ устозлари ўгитларига амал қилиб, Ватан олдидаги бурчни ҳалол бажаришга сўз беришди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ЁШ ПЕДАГОГЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида 2009/2010 ўқув йилида мазкур олий таълим даргоҳини бакалавриат ва магистратура йўналиши бўйича тамомлаган битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлди.**

Тадбирда университет ректори Ф.Ҳайдаров Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш, халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш имконини бераётганини таъкидлади. Таълимнинг сифат ва мазмунини тобора такомиллаштириш ва юксалтириш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар жараёнида ўқитиш тизимининг барча бўғинлари учун юқори малакали, изланувчан, ишга ижодий ёндошувчи, билимдон ва фидойи мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўн минг нафардан ортиқ талаба ўқийдиган Тошкент давлат педагогика университети умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим йўналишларида етук кадрларни тайёрловчи юртимизнинг етакчи олий билим даргоҳларидан саналади. Бу масканда фаолият кўрсатаётган Ахборот ресурс маркази, замонавий компьютер ва лингафон хоналари, илмий-тадқиқот маркази талабаларга тўлақонли билим беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йилда университетни математика, информатика, педагогика, психология, ўзбек тили ва адабиёти, хорижий тиллар, физика, астрономия, мусиқий таълим, тасвирий санъат, бошланғич таълим каби мутахассисликлар бўйича магистратура йўналишида 232 нафар, бакалавриат йўналишида 2548 нафар ёшлар тамомлади.

— Юртимизда, барча соҳалар каби, замонавий информатика технологиялари бўйича чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиш, ўз ижодий-интеллектуал салоҳиятимизни намоён этиш учун зарур шароит яратилган, — дейди мазкур олий таълим даргоҳининг информатика мутахассислиги бўйича магистри Зафар Абдураҳмонов. — Бундай эътиборга муносиб бўлиш, ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятларнинг қадрига етиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиш бизнинг бурчимиздир.

**(ЎзА)**

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида олий таълим муассасаларига ўқишга киришда абитуриентлар учун тест-синов усулининг жорий этилгани энг иқтидорли ва билимли ёшларнинг талабалар сафидан жой олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

**Абитуриент-2010**

# ТЕСТ СИНОВЛАРИ ҚАТЪИЙ ТАРТИБ АСОСИДА ЎТАДИ

Ўтган вақт мобайнида ёшлар билимини синашнинг мазкур усули қанчалик холис ва ҳаққоний экани намоён бўлди. Жорий йилнинг 1 август куни бўлиб ўтадиган тест синовларига қандай тайёргарлик кўрилмоқда, бу борадаги янгиликлар, ўзгаришлар хусусида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази директори, техника фанлари доктори Баҳром ИСМОИЛОВ ЎзА мухбирига** қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Ёш авлоднинг пухта ва тўлақонли таълим олиши Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади. Бу жиҳатлар жаҳон андозалари даражасидаги билим масканларининг барпо этилаётгани, таълим сифати ва мазмунининг тубдан такомиллаштирилаётгани, ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнати ҳар жиҳатдан рағбат топаётгани баробарида олий таълим даргоҳларига ўқишга кириш истагидаги ёшлар учун тест синовининг жорий этилганида ҳам ўзининг ёрқин тасдиғини топмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 28 майда қабул қилинган «2010/2011 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тест синовларини ташкил этиш ва белгиланган тартибда ўтказиш учун бир қатор ташкилий ҳамда амалий ишлар бажарилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда тест синовлари ўтказиладиган бино ва аудиториялар белгиланган талабларга жавоб берадиган даражада тайёрланди. Бу йил тест синовлари 390 бинодаги 10900 аудиторияда ўтказилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан тавсия этилган 36 мингга яқин аудитория раҳбарлари ва кузатувчилар жалб этилиши кутилмоқда. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари қабул комиссиялари билан ҳамкорликда Давлат тест маркази вакиллари ҳамда аудитория раҳбари ва кузатувчиларининг вазифалари, уларнинг тест синовлари давомида бажарадиган ишларига оид тарқатма материаллар тайёрланди.

Давлат тест маркази томонидан тест синовларига масъуллар учун ўқув семинарлари ташкил этилмоқда ва ҳар бир масъул ходим вазифалари, бажарадиган ишларига доир услубий материаллар билан таъминланди. Президентимизнинг номи юқорида зикр этилган қарори асосида олий таълим муассасалари таълим йўналишларига талабалар қабули бўйича квоталар белгиланди.

**– Тест доимий ўзгариб, давр руҳига мослашиб, тобора мукаммаллашиб борадиган жараён эканини инобатга олган ҳолда, бу йилги саволлар жамланмасида, синовларни топширишда қандай ўзгаришлар, янгиликлар назарда тутилган?**

– Тест саволлари жамланмаси умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун тавсия этилган ўқув адабиётлари ва дарсликларидан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилади. Саволлар йилдан-йилга такомиллаштириб борилади ва тест синовлари ўтказиладиган ўқув фанларидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан таълим муассасаларида ўқитиш учун тавсия этилган ўқув адабиётлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрланади. Шунингдек, ҳар йили тест саволлари китоби кўп вариантлилик асосида шакллантирилади. Бу йил ҳам умумий тест саволлари жамланмаси янгиланиб, тўлдирилишига ва мазкур саволлардан абитуриентларимиз учун алоҳида китоб тайёрланишига эътибор қаратилмоқда.



Тест синовларида фойдаланиладиган материаллар: саволлар китоби, жавоблар варақаси ҳамда тест саволлари сонида ўзгаришлар йўқ, учта ўқув фанидан 36 тадан тест саволлари жами 108 та (ижодий имтиҳон топширувчилар учун 2 та ўқув фанидан 72 та)ни ташкил этади. Аммо, тест синовларини ўтказиш тартибларига айрим ўзгаришлар киритилмоқда. Жумладан, тест синовларига абитуриент фақат шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки паспортга тенглаштирилган гувоҳнома), таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан берилган рухсатнома билан келиши шарт. Борди-ю, абитуриент бошқа қўшимча нарсаларни аудиторияга олиб киришга ҳаракат қилса, бинога киришнинг ўзида тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва тест синовларидан белгиланган тартибда четлатилади. Шунингдек, абитуриент томонидан топширилган ҳужжатларнинг қалбакилиги аниқланса, у ҳолда абитуриент тест синовларидан четлаштирилади ҳамда ҳужжатлари ўрнатилган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади. Бундан ташқари, тест натижалари амалдаги эълон қилиш тартиби билан биргаликда марказнинг веб-сайти (www.dtm.uz)да, мобиль алоқа хизматлари орқали ҳам эълон қилинади.

**– Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий соҳанинг мунтазам ривожланиб бориши янги-янги касб йўналишлари, ихтисосликлар очишни талаб этмоқда. Жорий йилда ташкил этилган янги олий таълим масканлари ёки янги факультетлар, ихтисосликлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.**

– Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "халқаро сиёсат", Тошкент давлат техника университетида "гидроэнергетика", Тошкент архитектура-қурилиш институтида "қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий лойиҳалаштиришни ташкил этиш" ва "қишлоқ қурилишини лойиҳалаш", Тошкент ислом университетида "психология (дин психологияси)" каби 100 дан кўпроқ таълим йўналишлари очилган. Янги очилган таълим йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар билан абитуриентларимиз қабул комиссияларининг эълонлар тахтаси ёки Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти (www.ed.uz) «Абитуриент-2010» бўлими орқали танишишлари мумкин.

**– Баркамол авлод йили деб ном олган жорий йилда талаба бўлиш истагидаги ёшлар учун қандай имтиёз ва имкониятлар бор? Турли кўрик-танловлар, фан олимпиадаларида ғолиб бўлган йигит-қизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун қандай шароитлар яратилган?**

– Мазкур ўқув йилида ҳам олий таълим муассасаларига тест синовларисиз талабаликка қабул тартиби сақланиб қолган. Жумладан, халқаро ва республика фан олимпиадалари, танловлари ва мусобақалари ғолиблари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази таъсис этадиган махсус гувоҳномани олганлар Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий муассасаларининг мос таълим йўналишларига тест синовлари ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, «Йилнинг энг яхши тарбиячиси», «Йилнинг энг яхши ҳамшираси» республика танловларининг ғолиблари, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари тегишли вазирлик ва идоралар тақдимномаларига мувофиқ Давлат комиссиясининг қарори билан қабул қилинади. Олимпиада фани, танловлар билан олий таълим йўналишлари ўртасидаги касбий мувофиқлик Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан ишлаб чиқилди ва Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади. Муддатли ҳарбий хизматдан қайтганда олий таълим муассасаларига кириш учун тавсиянома олган ҳарбий хизматчилар учун ҳам тест синовларида жамғарилиши мумкин бўлган умумий баллнинг 25 фоизи берилади.

Буларнинг барчаси юртимизда ёш авлоднинг пухта билим олиши, ўз қизиқиши ва лаёқати бўйича касб-ҳунар эгаллаши йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

**Назокат УСМОНОВА**

Спорт янгиликлари

## НАДЕЖДА — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБАСИ

**Грецияда енгил атлетика бўйича уюштирилган халқаро турнир мамлакатимиз вакили Надежда Дусановага омад келтирди.**

Енгил атлетиканинг баландликка сакраш беллашувларида 194 сантиметр натижа қайд этган ҳамюртимиз Надежда Дусанова иккинчи ўринни эгаллади ва кумуш медаль билан тақдирланди.

## ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Навоий шаҳрида кураш бўйича 1993-1994 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ташкил этилди.**

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 460 нафар ёш полвон ғолиблик учун муросасиз кураш олиб борди.

Қувонарлиси, саккизта вазн тоифасида ташкил этилган баҳсларда ўз вазнларида ҳамшаҳарларимиз Аброр Жабборов ва Беҳзод Ўролов барча рақибларини енгиб шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этишди ва Ўзбекистон чемпиони бўлишди. Шунингдек, ўз вазн тоифаларида навоийлик Алимардон Муродалиев, Умид Эсонов, бухоролик Раҳмон Жумаев, Жаҳонгир Тўраев, самарқандлик Алишер Бойқулов, қашқадарёлик Камолиддин Шерназаровларга тенг келадиган рақиб топилмади.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

## ПОЙТАХТЛИКЛАР — БИРИНЧИ

**Қарши шаҳрида дуатлон бўйича уюштирилган Ўзбекистон кубоги мусобақаларида 10 та жамоа сафида 77 нафар спортчи югуриш ва велопойга баҳсларида ўз омадини синаб кўрди.**

Аввалига 5 километрга югуриш, сўнг 20 километр масофага велопойга, кейин яна 2,5 километрга югуриш машқларида ўз тезлик ва иродасини намойиш этган спортчилар шоҳсупадан ўрин эгаллашди. Эркаклар орасида 23 ёш ва ундан катталар баҳсида ҳамшаҳарларимиз Павел Растригин ҳамда Евгений Алексеевлар биринчи, иккинчи ўринларни эгаллашган бўлса, фарғоналик Ғанишер Нурматов учинчи ўрин билан кифояланди.

23 ёш ва ундан катта бўлган аёллар баҳсларида ҳам биринчи ўрин пойтахт вакили — Ольга Дробишевага насиб этган бўлса, самарқандлик Анна Агасян, бухоролик Умида Пўлатова иккинчи, учинчи ўринларни забт этишди.

Умумжамоа ҳисобида пойтахт жамоаси биринчи ўрин соҳиби бўлди. Самарқандликлар иккинчи ўринни эгаллашди,фарғоналиклар эса учинчи ўрин билан кифояланишди.

**Анвар ВАЛИЕВ**



## ГИЛАМДА — БЎЛҒУСИ ЧЕМПИОНЛАР

**Ёзнинг ушбу жазирама кунларида кимдир олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўраётган бўлса, бошқалар зилол сув бўйларида мазза қилиб ҳордиқ чиқармоқда.**

Ёш спортчилар эса иссиқни ҳам писанд қилмай, турли клубларда ўз маҳоратини оширмоқда.

Шу кунларда «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси каратэ-до секцияси шарқ яккакураши сирларини ўрганиш ниятида бўлган ёшлар билан гавжум. Бу ерда қора белбоғ соҳиби Шуҳрат Абдураззоқовнинг сабоқларидан баҳраманд бўлган кўпчилик спортчилар кейинчалик нуфузли мусобақаларда ғалаба нашидасини сурмоқда.

**И.ДИЛШОДОВ**

**СУРАТДА: шогирдлар янги усулни ўрганмоқда**

**Алексей Попов олган сурат**

## КАМОЛОТЧИЛАР ТАШАББУСИ

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги маҳаллалар ўртасида «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида спорт мусобақаси ўтказилди.**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси томонидан ташкил этилган мазкур мусобақада «Хислат», «Шифокорлар» ва Нақшбандий номли маҳаллаларнинг 60 нафардан ортиқ ўғил-қизлари шахмат-шашка, арқон тортиш, арқонда сакраш, қувноқ эстафета, волейбол, гимнастика, стол тенниси, футбол, қўл тўпи турлари бўйича куч синашди.

— Лойиҳа доирасида тўққизта маҳаллада уч гуруҳга бўлиниб мусобақалар ўтказилиб келинаяпти, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига «Хислат» маҳалласи раиси Ботир Саидов. — Беллашувларга ёзги мавсумий оромгоҳларга жалб қилинмаган ёшлар жалб этилган. Бизнинг маҳалламизда 4,5 минг ўринли спорт майдони бунёд этилган бўлиб, унда 17 та спорт тури бўйича доимий машғулотлар олиб борилади. Тошкент тиббиёт академиясига қарашли олтита талабалар турар жойида 1,5 мингдан ортиқ ўғил-қизлар истиқомат қилади.

Камолотчилар лойиҳаси доирасида болалар шаҳримизнинг диққатга сазовор сўлим гўшаларини сайр қилиши ва мароқли дам олиши мумкин. Мақсад, албатта, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, ёшларнинг иқтидорини юзага чиқаришдан иборат.

Мусобақа натижаларига кўра, «Хислат» маҳалласи — шахмат-шашка ҳамда «қувноқ эстафета»да, «Шифокорлар» — стол тенниси, арқон тортиш ва арқонда сакраш бўйича ғолибликка сазовор бўлди.

**Азима ҚИЁСОВА**

**Ёз фаслида — айни ҳўл мевалар, полиз экинлари етилиб пишган пайтда витаминларга бой бўлган меваларни истеъмол қилиб, роҳатланади киши. Витаминлар организмга куч-қувват беради, модда алмашинувини фаоллаштириб, айниқса ёш болалар, ҳомиладор аёллар, кексаларга дармон бўлади, ошқозон-ичак, қон тизими, юрак фаолиятини мустаҳкамлаб, юқумли касалликларга қарши курашиш имкониятини оширади.**

Мутахассис маслаҳати

## СОҒЛИҒИМИЗ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Маълумки, ёзда ўткир юқумли касалликлари кўпроқ учрайди. Масалан, ўткир диарея, энтерит, гастроэнтерит, энтероколит, ич терламаси, салмонеллёз, овқатдан заҳарланиш, ботулизм ва ҳоказолар шулар жумласидан.

Бу касалликларнинг вақтида олдини олиш зарур. Касал бўлиш осон, уни даволаш анча мушкулдир. Жазирама иссиқда киши организми кўп суюқлик талаб қилади, натижада танадаги турли микроэлементлар, ферментлар миқдори камайиб кетиши ҳолати кузатилади ва ташқаридан ювилмаган ҳўл мевалар билан оғиз бўшлиғи орқали ўткир юқумли ичак касалликлари микроблари ошқозон-ичакда кўпайиб ривожланади, шу тариқа касаллик юзага келади.

Ўткир юқумли ичак касалликларида ҳарорат 38-40°С гача кўтарилиб, титраш ва ҳолсизланиш билан бошланади. Шунингдек, кўнгил айниш, қайд қилиш, ич кетиши кузатилади. Баъзида ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари ва ўткир гепатит А-В-С-Д-Е билан касал бўлганлар парҳез сақламасдан, турли хил асоратларга дуч келади. Масалан, сурункали гастрит, колит ва гепатит, сурункали холецистит ва панкреатит, дисбактериоз касалликларига мубтало бўлиш ҳолатлари учрайди. Бундай ҳолларда парҳез таомлар ейиш, ўтли дамламалар ичиш ва шифокор назоратида бўлиш даркор.

Баъзан тўй ва бошқа маросимларда, наҳорги соат 5-6 да бўладиган ош, яна «чаллар», «бешик» тўйи каби тантаналарда хилма-хил таомлар тортилади. Бу таомлар истеъмол қилинишида, айниқса сурункали ошқозон ичак касалликлари билан касалланган кишиларга салбий таъсир кўрсатиши ва уларнинг қайталашига сабаб бўлиши, кейинчалик қорин соҳасига ва бошқа органларга, яъни ичак, юрак, жигарга ёғ йиғилиб, гепатоз, сурункали холецистит, панкреатит, хафақон касалликларига олиб келиши мумкинлигини унутмаслик лозим.

Ҳар бир инсоннинг соғлиғи ўз қўлида. Ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш ва сурункали ошқозон-ичак касаллигига ўтмаслиги учун шахсий гигиенага риоя қилиш, яъни овқатдан олдин қўлни совунлаб ювиш, меваларни тозалаб ювиб, сўнг истеъмол қилиш зарур. Устки қисми кўтариб қолинган консерваларни, бузилган гўшт ва сут маҳсулотларини истеъмол қилманг, қайнатилмаган сувни ичманг, маън этилган жойларда чўмилманг, ҳаддан ташқари ёғли овқатлардан ўзингизни тийинг.

Узоқ умр кўриш, соғ-саломат бўлиб юриш инсоннинг ўз қўлидалигини яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз. Меъёрида овқатланиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш ҳар бир инсон учун зарурдир. Бу турли касалликлардан халос этади.

**Жаннат ҲАЙДАРОВА,**
**1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси бўлим мудири**

**Бектемир туманидаги «Роҳат» маҳалласида бўлиб ўтган давра суҳбати давомида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.**

## ЁШЛАР МАНФААТИ ЭЪТИБОРДА

Тадбирда Адлия бошқармаси, Ички ишлар бош бошқармаси, бандликка кўмаклашиш маркази ҳамда бир қатор жамоат тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Жорий йилда касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини тамомлаган битирувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги иш ўринларини ташкил этиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш орқали янгидан янги даромад манбаларини шакллантириш муҳим масала эканлиги тадбирнинг асосий мақсади бўлди.

— Ёш оилаларга иқтисодий-ижтимоий муаммоларини бартараф этишда амалий ёрдам бериш, уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш биздан алоҳида ёндошувни талаб этади, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Зиёда Тоҳирова. – Бу борада айниқса ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш, моддий ёрдам бериш жуда муҳимдир.

Тадбирда ёш оилаларга ҳар томонлама кўмак бериш, ажралишларнинг олдини олишда давлат тузилмалари қаторида жамоат ташкилотларининг ролини ҳам ошириш муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

**Акбар ЖИЯНОВ**

Машҳурлар ҳаётидан

## КУНЛАРДАН БИР КУН...

Машҳур шоир Александр Пушкин бир куни журнал ноширига хат йўллаб, ўзига тегишли қалам ҳақини сўрайди.Шоирга ёзилган жавоб хатида шундай саволлар бор эди: «Пулни душанбада олганингиз қулайроқми ёки сешанбами? Икки юз сўмнинг ҳаммасини биратўла олмоқчимисиз ёки олдин юз сўми ҳам кифоями?»

Шоирнинг жавоби қисқагина эди: «Душанба сешанбадан яхши, икки юз сўм эса юз сўмдан яхши».

* * *

Француз қироли Людовик XIV шеър машқ қилиб турар ва уларга баҳо беришни фақат Буалога ишонаркан. Қиролнинг навбатдаги бемаза шеърларини ўқиган Буало қалтис фикрини шундай ифодалаган: «Ҳазрат олийлари! Сизнинг қўлингиздан келмайдиган иш йўқ! Мана, бемаза шеър қандай бўлишини бир кўрсатиб қўймоқчи бўлган экансиз, бу ишни қойилмақом қилиб уддалабсиз...»

**Шодмон ОТАБЕК**

Ўз-ўз ўргандиб доно бўлур

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

Ҳеч кимга тушмасин
туҳмат савдоси.
* * *
Ўлмасин яхшилар,
ҳаргиз ўлмасин,
Яхши одам ҳеч
ёмонлик кўрмасин!
* * *
Чин ботирга йўқдир оламда
хатар.
* * *
Юртни равшан қилар
ойнинг тўлгани.
* * *
Йўлбарс қайтмас асло
босган изидан,
Ботир киши қайтмас
айтган сўзидан.
* * *
Бевафо ёрнинг бўлмас
вафоси.
* * *
Ҳар ким яхши кўрсин
ўз элатини.
* * *
Куз айланса, баҳор бўлар,
ёз бўлар,
Кўп дароз кишининг
ақли оз бўлар.
* * *
Ақли расо сўзлар
сўзини билиб.
* * *
Карвон яхши кўрар
қатор норини,
Номард билмас
номусини-орини.
* * *
Ўғли борнинг мудом
ёнган чироғи.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан жисмоний шахс Каримова Зульфизархон Хасановна номига берилган С.Раҳимов тумани Мухбир кўчаси 11-уй, 25-хонадонга тегишли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва Давлат кадастри бошқармаси томонидан жисмоний шахс Каримов Илхом Аҳмедович номига берилган С.Раҳимов тумани, Мухбир кўчаси 11-уй, 18-хонадонга тегишли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
3840 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5

Буюртма Г- 606

Топширилган вақти: 16.50